

Танзила Нарбаева уни Друзба ордени билан мукофотлаган Путинга: Бу орденни оқлаймиз, демаган. Исботи



МДХга аъзо мамлакатлар Парламентлараро Ассамблеясининг, бу халқаро ташкилот тузилганидан бери ўтган 30 йил мобойнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан унинг асосий қароргоҳи жойлашган Санкт-Петербургда ташқарида биринчи марта 2022 йилнинг 27-28 октябрида Самарқандда ўтказилган 54-ялпи мажлисининг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Нарбаевага Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Раиси Валентина Матвиенко бу давлатнинг Друзба орденини тантанали равишда топшириш жараёнида, қисқача қилиб айтганда: Бу юксак

мукофот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Нарбаеванинг тинимсиз ва виждонан қилган меҳнатига муносиб баҳо ва унинг Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий хиссасининг эътирофи бўлиб хизмат қилади; бу ҳамкорлик мувоффақиятли ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири эса шубҳасиз парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришга Танзила Камаловна кўрсатаётган ёрдам, деган.

Бирок ижтимоий тармоқларнинг рус тилини яхши билмайдиган ва умуман тушинмайдиган бир қанча билим ва савиялари ҳам ўта паст даражада бўлган фойдаланувчилари Танзила Нарбаева Россиянинг Друзба ордени топширилганидан кейин сўзлаган жуда ҳам қисқача нутқининг яъқуний қисмида:

“Я хотела бы еще раз: поблагодарит за эту значимую награду; уважаемая Валентина Ивановна, передайте мои искренние слова благодарности уважаемому Президенту Российской Федерации Владимиру Владимировичу Путину; и сказать, что мы этот орден обязательно отработаем”, деган гапини, балки, ҳали бир тилдан иккинчи тилга гапирилган гапларни ва матнларни мутахассис даражасида таржима қила олмайдиган Google, Яндекс ва бошқа қидирув тизимларининг сунъий ақли орқали қилган таржимлари матнларини ўқиб кўришиб, бу гапда ишлатилган *“отработаем”* деган русча сўзни ўзбек тилидаги *“оқлаймиз”*, *“ишлаб берамиз”* ва *“хизмат қиламиз”* деган сўзлар маъносига тўғри келади, деб ўйлашиб. Бу орден берилишининг ташаббусқори Валаентина Матвиенко эканлигини мутлақо билмасликлари сабабли, гўёки Владимир Путин Танзила Нарбаевани Россиянинг Друзба ордени билан ўз хохиши ва ташаббуси билан, уни ўз томонига оғдириб, бу раҳбар аёлдан сиёсий мақсадларда фойдаланмоқчи бўлиб мукофотлаганидек: Танзила Нарбаева бу орден билан мукофатлангани учун Путинга миннатдорчилик билдириб, унга бу орденни *“оқлаймиз”* деб ваъда бериш орқали мустақиллигимиз, давлатимиз ва халқимизга хиёнат қилди, дейишгача боришган.

Шунинг учун ҳам бундай ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида: *Биринчидан, сиз нима учун Танзила Нарбаевага Россиянинг Друзба ордени берилишининг ташаббусқори Путин эмас, балки Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Раиси Валентина Матвиенко деябсиз? Иккинчидан, Танзила Нарбаева айтган “отработаем” деган сўз ва умуман сиз юқорида келтирган иқтибосда бу Сенат раиси айтган гапининг ўзбек тилига қилинган қандай таржимаси тўғри бўлади?* – деган саволлар пайдо бўлиши мумкин.



Бу саволларнинг биринчисига жавоб берар эканман, мен Танзила Нарбаеванинг барча танқидчилари умуман билмайдиган бир жуда ҳам муҳим фактга уларнинг эътиборини қаратмоқчиман. Чунки Ўзбекистоннинг айнан шундай, фақат ўзбек тилида *“Дўстлик”* деб аталган ордени билан Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Раиси Валентина Матвиенкони Танзила Нарбаева Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига асосан МДХга аъзо мамлакатлар

Парламентлараро Ассамблеясининг 2021 йилнинг 26 ноябрида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган [53-ялпи мажлисида](#) тантанали равишда топширган эдики. Шунинг учун ҳам Валентина Матвиенко Россиянинг рус тилида айнан шундай ном билан аталган Друзба деган ордени билан Танзила Нарбаевани Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан мукофатланишига эришиб, уни бу ташкилотнинг Самарқандда ўтказилган 54-ялпи мажлисида тантанали равишда топширган.

Шунинг учун ҳам: – *Хўш Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлатимизнинг Дўстлик ордени билан мукофотлаганлиги учун Валентина Матвиенко, бу мукофотни унга Танзила Нарбаева тантанали равишда топширганидан сўнг Парламентлараро Ассамблеясининг 2021 йилнинг 26 ноябрида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган 53-ялпи мажлиси минбаридан туриб Шавкат Мирзиёевга қандай сўзлар билан миннатдорчилик билдирган эди?* – деган савол туғилиш табиий бир хол бўлади деб ўйлайман.

Бу саволга жавоб бериш учун ўша тантанали йиғилишда Танзила Нарбаева ва Валентина Матвиенконинг гапларини кўриб, эшитиб ва унинг матнини ёзиб олиб, ўқиб кўрсак, кўйилган саволга тўлиқ ва аниқ жавоб оламиз, деган фикрдаман.

Шундай қилиб МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг Санкт-Петербургда ўтказилган 53-ялпи мажлисида Танзила Нарбаева:

“Уважаемые участники заседания а теперь позвольте выполнить мне очень почетную, ответственную миссию возложенную на меня Президентом Республики Узбекистан Шавкат Миромановичом Мирзиёевым. За активные усилия и личный вклад в укрепление отношений дружбы, стратегического партнёрства и союзничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией, всемерную поддержку парламентских связей, за активное содействие программ и проектов Узбекско-российского многопланового сотрудничества, направленных на наиболее полное раскрытие потенциала межрегионального взаимодействия и двустороннего культурно-гуманитарного обмена Председатель Совета Федерации Федерального Собрания Российской Федерации Матвиенко Валентина Ивановна награждена орденом “Дўстлик”. Позвольте вручить высокую государственную награду уважаемой Валентине Ивановне”, деган экан.

Танзила Нарбаеванинг рус тилидаги бу гапларни ўзбек тилига:

“Хўрматли йиғилиш иштирокчилари, энди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мироманович Мирзиёев менга юкланган гоҳат шарафли, масъулиятли вазифани бажаришга ижозат берасизлар. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган фаол саъй-ҳаракатлари ва шахсий ҳиссаси, парламентлар алоқаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганликлари, Ўзбекистон-Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик дастур ва лойиҳаларига кўрсатган фаол таъсири, минтақалараро ҳамкорлик ва икки томонлама маданий-гуманитар алмашинув салоҳиятини тўлиқ очиб берганлиги учун Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Раиси Матвиенко Валентина Ивановна “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Хўрматли Валентина Ивановнага олий давлат мукофотини топширишга ижозат берасизлар”, деб таржима қилиш мумкин.

Дўстлик ордени тантанали равишда топширилганидан сўнг, Валентина Матвиенкога мажлис катнашилари ва Танзила Нарбаевага қарата мурожаат қилар экан шундай деган:



“Коллеги уважаемые для меня! Искренне говорю, большая честь принять столь почетную награду и, от всего сердца хочу поблагодарить Президента Республики Узбекистан Шавката Миромановича Мирзиёева за высокую оценку моей работы. И, прошу вас уважаемая Танзила Камаловна, передать мою самую искреннюю благодарность господину Президенту. Я считаю это аванс. поверте, я его отработаю еще с большей энергией”.

Бу қисқача нутқни кўриб, эшитиб ва ўқиб бўлгач Валентина Матвиенко ўзининг Ўзбекистоннинг Дўстлик ордени билан мукофотланганлиги учун миннатдорчилик билдирган қисқача нутқда *“отработаю”* деган сўзни ишлатган эканлигини билишимиз мумкин. Агар биз Матвиенко ишлатган *“аванс”* деган ва ўзбек тилига *“бўнак”* деб таржима қилинадиган бу ўзбекча сўзининг таърифини изоҳли луғатларимиздан қидирсак: *“БЎНАК – шартнома ёки битим бўйича бир тараф иккинчи тарафга бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан қисман ҳақ тўлаши”*, деб таъриф берилганлигини топишимиз, ўқишимиз ва билишимиз мумкин.

Энди русча манбалардан *“отработаю”* деган переходный глагол, яъни ўтиш феъли ҳисобланадиган сўз *“отработать”* деган ноаниқ феълнинг бирлик шаклидан келиб чиққанлигини билгач, бу сўзнинг синонимларини қидириб [топсак](#), уларни сони, масалан, [sinonim.org](#) деган сайтда 69 та эканлигини ва бу синонимлар ичида *“оправдаю”*, яъни ўзбек тилига *“оқлайман”* деб таржима қилинадиган сўз мутлақо йўқ эканлигини билишимиз мумкин. Лекин бу синонимлар ичида ўзбек тилига маъно жиҳатидан *“ишлатаман”* ва *“ишлаб бераман”* деб таржима қилиш мумкин бўлаган *“использую”* ва *“проработую”* деган сўзлар мавжуд. Валентина Матвиенко ишлатган *“отработаю”* деган ўтиш феъли ўзбек тилига *“бўнак”* деб таржима қилинадиган *“аванс”* сўзи билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам энди Валентина Матвиенконинг юқорида рус тилида Ўзбекистоннинг Дўстлик

ордени билан мукофатланганлиги учун миннатдорчилик билдириб қилган қисқача нутқида айтган гапларини, сўзлар ўртасидаги бундай боғлиқлик борлигини эътиборга олган ҳолда маъно жиҳатидан ўзбек тилига:

“Хурматли ҳамкасблар! Чин дилдан айтаманки. Бундай фахрий мукофотни қабул қилиш юксак шарафдир ва менинг меҳнатимни юқори баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Сиздан, муҳтарам Танзила Камоловна, жаноб Президентга самимий миннатдорчилигимни етказишингизни сўрайман. Мен буни бўнак (аванс) деб ҳисоблайман. Ишонинг, мен уни янада кўпроқ куч билан ишлаб, қайтараман”, деб таржима қилиш мумкин.

Лекин Валентина Матвиенконинг бундай сўзини ҳеч бир Россия фуқороси қоралаб чиқиб. У бундай сўзлар билан Дўстлик ордени билан мукофотлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Танзила Нарбаевадан *“самимий миннатдорчилигимни етказишингизни сўрайман”,* дер экан: *Мен буни бўнак (аванс) деб ҳисоблайман. Ишонинг, мен уни янада кўпроқ куч билан ишлаб, қайтараман”,* деганлиги учун, уни

Аммо бу аёл сиёсатчи! Сиёсатчи бўлганда ҳам мустақил бир буюк давлатнинг йирик амалдор сиёсатчиси! У оғзининг сўлагини оқиздириб, Шавкат Мирзиёевга ялтоқиланиб: "...оқлайман!" деб турса. Бу Россиянинг мустақиллигига хиёнат, рус миллатига ва халққига хиёнат, ватанга хиёнат, давлатга хиёнат бўлади! Халқинг берган тузни оқла олдин!, деб В.Матвиенкога нисбатан тухмат қилиб уни ҳақорат қилишни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Энди Танзила Нарбаева Россиянинг Дружба ордени тақдим этилганидан кейин рус тилида қилган нутқининг юқоридаги иқтибосда келтирилган гапини тинглаб ва ўқиб кўрсак, у ҳам ўз гапида ***“отработую”*** эмас, балки ***“отработаем”*** деган ***“отработать”*** деган ноаниқ феълнинг бирлик шаклидан келиб чиқиб множественное числода ифодаланган переходный глаголини, яъни кўпликдаги олмош билан ифодаланган аниқ ўтиш феълни ҳеч қандай ўзбек тилига ***“бўнак”*** деб таржима қилинадиган сўзга боғламаганлиги ва бу сўзини мутлақо ишлатмаганлигини унинг матнидан кўришимиз, ўқишимиз ва билишимиз мумкин. Шундай қилиб Танзила Нарбаева Россиянинг Дружба ордени билан мукофатланганлиги муносабати билан қилган қисқача нутқининг якунида мажлис катнашчилари ва Валентина Матвиенкога қарата айтган якуний гапларининг матнини, унга ***тиниш***



белгиларини тўғри қўйган ҳолда ёзиб олсак – бу мураккаб гапнинг:

“Я хотела бы еще раз: поблагодарит за эту значимую награду; уважаемая Валентина Ивановна, передайте мои искренние слова благодарности уважаемому Президенту Российской Федерации Владимиру Владимировичу Путину; и сказать, что мы этот орден обязательно отработаем”, дейилган матни ҳосил бўлади.

Энди бу гапда фойдаланилган ***“отработаем”*** деган сўз ҳам юқорида тилга олинган ***“отработать”*** деган сўздан келиб чиққанлигини эътиборга олиб, юқорида Валентина Матвиенконинг нутқи таржимасида ишлатилган ва ўзбек тилига энди ***“ишлатамиз”*** деб таржима қилинадиган ***“используем”*** деган синонимини қўллаган ҳолда, Танзила Нарбаеванинг Россиянинг Дружба ордени билан мукофатланганлиги муносабати билан миннатдорчилик билдириб қилган қисқача нутқи матнини ***тиниш*** белгиларини ўз ўрниларига қўйган ҳолда ўзбек тилига:

“Мен яна бир бор: ушбу муҳим мукофот учун миннатдорчилик билдираман; хурматли Валентина Ивановна, менинг самимий миннатдорчилик билдирилган сўзларимни Россия Федерациясининг муҳтарам Президенти Владимир Владимирович Путинга етказинг; ва биз ушбу ордени албатта ишлатамиз, деб айтишни истар эдим”, деб таржима қилишимиз мумкин.

Танзила Нарбаева қилган нутқининг юқоридаги қисқача қилиб айтилган якуний, лекин мураккаб гапининг рус ва ўзбек тилларидаги матнларини хаттоки ўрта мактб дастури асосидаги лингвистик таҳлилидан ҳам, бу ***тиниш*** белгилари эътиборга олинган ҳолда ёзилган матнларни учта қисмга бўлишимиз мумкин эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу гапнинг биринчи қисмида Танзила Нарбаева: ***“Мен яна бир бор: ушбу муҳим мукофот учун миннатдорчилик билдираман”***, деган. Иккинчи қисмида: ***“хурматли Валентина Ивановна, менинг самимий миннатдорчилик сўзларимни Россия Федерациясининг муҳтарам Президенти Владимир Владимирович Путинга етказинг”***, деган. Учинчи қисмида эса: ***“биз ушбу ордени албатта ишлатамиз, деб айтишни истар эдим”***, деганки. Бу учинчи гапнинг тўлиқ матнини таҳлил қилинаётган мураккаб гапнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, аслида: ***“Мен яна бир бор: биз ушбу ордени албатта ишлатамиз деб айтишни истар эдим”***, деб тушиниш керак.

Шундагини Танзила Нарбаева айтган уч қисмдан иборат мураккаб гапнинг маъносини бузмасдан тўғри тушиниб олиб, давлат раҳбарлари лавозимлари пағонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидан кейинги 2-ўринни эгаллаб турган бу ўзбек аёлига нисбатан тухмат ва ҳар-хил ахмақона гаплар билан ҳақорат қилмайдиган ҳиқий ватанпарвар инсонлар қаторига қўшилиш мумкин. Акс ҳолда Танзила Нарбаеванинг ҳамма “танқидчилари” рус тилини яхши билмаганликлари ва умуман билмасликлари сабабли ёлғон гапиришиб уни устидан тухмат ёғдирган ва уни ҳақорат қилган ҳамда бу раҳбар аёл нутқи мазмунини бузиб, сохталаштирган ҳолда бирданига уч хил жиноят содир қилишмоқдаки, **бундай ҳолатга нисбатан Бош прокуратура ўз муносабатини билдириб**, уларни жинойий жавобгарликка тортиш масаласини кўтарса – бу жуда ҳам тўғри иш бўлар эди, деган фикрдаман.

Шундай қилиб юқоридаги лингвистик таҳлилдан, демак бу гапнинг учинчи: “*биз ушбу орденни албатта ишлатамиз, деб айтишни истар эдим*”, деган қисми Владимир Путинга мутлақо алоқаси йўқ ёки унга таълуқли эмас экан, деган ҳулоса чиқаришимизга асос бўлиб хизмат қиладики. Бу ҳулоса Танзила Нарбаева Россиянинг Друзба ордени Валентина Матвиенко томонидан унга тантанали равишда топширилиши жараёнида қилган жуда ҳам қисқа нутқида Владимир Путинга салбий маънода “қуллик” қилмаган. Балки Валентина Матвиенкодан, у Танзила Нарбаевадан Дўстлик ордени билан мукофатлангандан кейин билдирган миннатдорчилигини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевга етказишини сўраганидек, ўз миннатдорчилигини Путинга етказишини сўраб, орденни албатта оқлаймиз деб эмас, балки уни албатта ишлатамиз, деганлигини билиб олишимиз мумкин.

Танзила Нарбаева эмас, балки “Озодлик” радиосининг бош муҳаррири Пахлавон Содиқ ва Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхондек сафсатабоз ва ғирт ёлғончи муҳаррир ва блоггерлар ватан ҳойинларидир



Нью-Ёрк университетининг иқтисод соҳаси бўйича профессори Нуриел Рубини Der Spiegel нашрига берган интервьюсида: “*Учинчи жаҳон уруши ҳақиқатда бошланди*”, [деган](#). Бошқа таҳлилчи ва шарҳловчилар Учинчи жаҳон уруши ичига [гибрид уруши](#) ёки гибрида ахборот уруши ҳам киради дейшмоқдаки. Унга: “*Гибрид уруши – бу душманлик ҳаракатининг бир тури бўлиб, унда ҳужум қилувчи томон классик ҳарбий босқинга мурожаат қилмайди, балки яширин операциялар, саботаж, кибер уруш, ахборот уруши, шунингдек, душман*

худудида ҳаракат қилаётган исёнчиларни қўллаб-қувватлаш комбинацияси ёрдамида рақибини бостиради”, деган таъриф биришиб. Бу уруш ахборот урушидан бошланишини таъкидлашмоқдалар.

АҚШ Конгресси томонидан маблағ билан тўминланадиган Озодлик радиосининг ҳодимлари Украинани Бендерачи фашистлардан тозалашга қартилагн Россиянинг “*Махсус ҳарбий операцияси*”ни урушга тенглаштирган ва ақлий жиҳатдан довдир АҚШ Президенти Жо Байденнинг ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бу урушда Россия ва унинг Ўзбекистондек расмий иттифақчисига нисбатан Ғеук, яъни ёлғон маълумотлар тарқатишга асосланган ахборот уруши олиб боришда фаол қатнашмоқда. Бу радионинг сайтида унинг бош муҳаррири, билим ва савия ўта паст даражада бўлган Пахлавон(мас Ғарбга) Содиқ ёзиб 2022

йилнинг 31 октябрида эълон қилинган редакцион мақола сифатида: “*Аввал халқнинг тузини оқланг!*” – тармоқлар ордени учун Путинга қуллуқ қилган Норбаева ҳақида”, деб сарлавҳа қўйилган ҳолда эълон қилинган мақолада ҳам шундай ахборот уруш олиб борилиб:

“Норбаевага Президент Владимир Путин томонидан берилган мукофот 28 октябрь куни Самарқанд шаҳрида МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг 54-сессияси чоғида топширилди.

Россия Федерация кенгаши фаолиятини ёритувчи [Senatinform.ru](#) [хабарига](#) кўра, Ўзбекистон парламенти

юқори палатаси раиси бу мукофотга сазовор бўлиш “ўлкан шараф” эканини айтиб”, деган гаплардан кейин бу сўзлар битилган ва юқорида ҳавола келтирилган [Senatinform.ru](#) сайтидаги: “**Спикер СФ вручила орден Дружбы главе Сената Узбекистана Танзиле Нарбаевой**” (яъни “**ФК спикери**



Ўзбекистон Сенатининг раҳбари Танзила Нарбаевага Дўстлик орденини топширди”), деган мақоланинг рус тилида ёзилган матнига таржимаси мутлақо тўғри келмайдиган ва худди Танзила Нарбаева ўзининг қисқача нутқида айтган гапдан иқтибос келтириляётгандай қўштирноқ ичига олиб ёзилган қуйидаги:

“Россия президенти Владимир Путинга самимий миннатдорлик сўзларимни билдирмоқчиман ва ушбу ордени, албатта, оқлаймиз”, деган Feук, яъни мутлақо ёлғон гап ёзилган.

Шунинг учун ҳам мен *Senatinform.ru* сайтида Озодлик радиоси манзилени аниқ кўрсатмаган юқорида сарлавҳасида тилга олинган рус тилидаги хабарнинг аниқ манзилени кўрсатган ҳолда, унда айтилган рус тилидаги жумлаларни қандай ёзилган бўлса шундайлигича кўчириб бу ерга жойлаб, уни қуйидаги матнини келтираманки, ундан бу [xabarda](#):

“Танзила Нарбаева поблагодарила за вручение высокой госнаграды Российской Федерации, отметив, что для неё это большая честь, и уточнила, что орден Дружбы принадлежит всем её коллегам-парламентариям Узбекистана. «Мы этот орден обязательно отработаем», — пообещала Нарбаева”, деган гаплар ёзилган эканлигини билишимиз мумкин. Агар бу русча жумлаларни мен, рус тилида юздан зиёд мақолалар ёзиб улардан бир қисмини ўзбек тилига мазмунан таржима қилиб, тажриба орттирган одам сифатида, ўзбек тилига:

“Танзила Нарбаева ўзига Россия Федерациясининг олий давлат мукофоти топширилганлиги учун миннатдорлик билдириб, бу унинг ўзи учун катта шараф эканлигини таъкидлагач, Дўстлик ордени Ўзбекистондаги унинг барча парламент аъзоларидан иборат ҳамкасбларига ҳам тегишлидир, деган аниқлик ҳам киритди. Нарбаева: “Биз албатта бу ордени ишлатамиз”, деган ваъда ҳам берди”, дебгина таржима қилиш мумкин ҳолос, деган фикрдаман. Чунки рус тилида Танзила Норбоева Валентина Матвиенкодан ўрнак олиб ва у ишлатган **“аванс”** деган сўзни ишлатмасдан айтган **“отработаем”** деган сўзнинг бу ҳолатга тўғри келадиган синоними, ўзбек тилида фақатгина **“ишлатамиз”** деган сўзга тўғри келадиган русча **“используем”** деган сўз бўлиши мумкин ҳолос.

Мен қилган таржимадан кўриниб турибдики Озодлик радиоси Танзила Нарбаева нутқидан иқтибос келтириляётгандай қилиб кўрсатиб, қўш тирноқ ичида ёзган: **“Россия президенти Владимир Путинга самимий миннатдорлик сўзларимни билдирмоқчиман ва ушбу ордени, албатта, оқлаймиз”**, деган жумла бу қисқача нутқнинг рус тилидаги матнида ёки Озодлик радиосининг Пахлавон Содиқ ишлатган **“аслият”**и таркибида мутлақо йўқ.



Озодлик радиоси юқоридаги мақоладан ташқари ўзини Ютубдаги каналида эълон қилган: **““Авал халқнинг тўзини оқланг!” – тармоқлар Путинга қуллуқ қилган Норбаева ҳақида”**, деган [видеола](#) ҳам Танзила Нарбаеванинг қисқача нутқида айтган якуний гапини бузиб, гўёки Танзила Нарбаева Россиянинг Дўстлик ордени билан мукофотланганлиги учун Владимир Путинга миннатдорчилик билдириб, унга бу ордени оқлаймиз деб вада берган, дегандай ёлғон гапни бу радионинг диктори бўлган аёл рус тилидан ўзбек тилига атайин бузиб таржима қилинган: **“Россиянинг Президенти Путинга самимий миннатдорчилигимни билдирамоқчиман. Ва ушбу ордени албатта**

оқлайман”, деб ёзилган матнини ўқиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Нарбаеванинг рус тилидаги нутқини бундай мутлақо нотўғри таржима қилиб Feук сифатида эълон қилинишини, билим ва савияси ўта паст даражада бўлган ва рус тилини яхши билмайдиган Озодлик радиоси ходимларининг ўта виждонсизларча қилган иши сифатидаги ахборот уруши олиб бориши, дебгина баҳолаш мумкин ҳолос.


Демак Озодлик радиосининг рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишни яхши билмайдиган ва ўзларининг миллионлаб муштарийларини алдашга ўрганиб қолган, номардлиги учун аноним муаллиф сифатида тахририят мақоласини эълон қилган бош муҳаррири **Пахлавон**(мас Ғрабга) **Содиқ** Танзила Нарбаеванинг сўзларини нотўғри таржима қилиш орқали уларни яна бир марта алдаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг обрўсини тўкмоқчи бўлган бўлса. Ижтимоий тармоқлардаги рус тилини яхши билмайдиган ва умуман билмайдиган, шунинг учун ҳам Сенат раисининг рус тилидаги сўзларини мутлақо нотўғри тушиниб олиб, бу масалада ахмақона изох қолдирган чаласавод ва сафасатбоз фойдаланувчилару блоггерлар ҳам барча уларни ўқийдиган ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчиларини алдаб, Озодлик радиоси ходимларидан ҳам ўзган ҳолда эркакларга мутлақо ярашмайдиган Ўзбекистонда биринчи марта шундай – Олий Мажлис Сенатининг

раиси лавозимини эгаллаб турган, улардан минг бора билим ва савияси юқори бўлганлиги учун социалогия фанлари доктори ва профессор илмий даражаси ва унвони соҳибасига айлана олган ўзбек аёлини обрўсизлантirmoқчи бўлган ўта пасткаш кимсалар, десак – бу аини ҳақиқат бўлади.

Озодлик радиосининг юқорида номи тилга олинган таҳририят (редакцион) мақоласида исми-шарифлари тилга олинган ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчи ва блоггерларининг ҳамда бу радионинг Ютубдаги канали обуначилари юқорида номи тилга олинган видеоси остида Танзила Нарбаева тўғрисида ёзган ахмақона изоҳларини таҳлил қилишга вақт ҳам, ҳожат ҳам йўқ, аслида. Чунки Озодлик радиосининг билим ва савияси ўта паст даражада бўлган ҳамда рус тилини яхши билмайдиган ҳодимларидан юз чандон билим ва савияси паст, кўп ҳолларда эса рус тилини мутлақо билмайдиган ва ўзларининг ахмақона изоҳларини бир-бирларидан кўчириб тарқатиб, улар ёзган ахмақона ва ёлғон Феукдан иборат гапларни янада кўпиртириб ва Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон деган блоггер каби ахмақона адабий ва сиёсий безак берилган ҳолда ёзиб, ўзларини ақилли қилиб кўрастмоқчи бўлганлар, десак – бу фикр ҳам сира ҳато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам мен ушбу мақолада (ва бу мақола асосида тайёрланган видеоқўрсатувимда) Озодлик радиосининг таҳлил қилинаётган мақоласида Фейсбук фойдаланувчиси ва блоггер деб аташ мумкин бўлган ўзини ижтимоий тармоқларда Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон деб атайдиган ёзувчи Нуриллоҳ Отахоновдек сафсатабоз кимсанинг постига [хавола](#) берганлиги учун, унинг бу постда ёзган ахмақона гапларидан биттасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрига келдим. Чунки бу ўта разил кимса ёлғон ва тухмат гаплар билан Танзила Нарбаевани жинояткорона ҳақорат қилишда ҳаммадан ўзмоқчи бўлиб:

“Одатда итлар хўжайини берган суякни оқлайди – уйини, ўзини, манфаатини кўриб, садоқат билан хизматини қилади. Ва унга ярашади бу иши. Шу учун ҳам унинг вафоси алқанади, пешонаси силанади”, дер экан ҳаттоки ит суякни **оқламаслигини**, балки кемириши ва ғажиб тозалашини



билмаслигини яққол намойиш қилган ёки атайин ўзбек адабий тилини бузган ҳолда бу мисолдаги сўзлар орақали Танзила Нарбаевани ҳақорат қилиш учун ҳаттоки итнинг суякни тозалашга ва ғажишга қаратилган ҳаракатини ҳам сохталаштирган, десак – бу жуда тўғри бўлади. Уни устига бу виждонсиз, билим ва савияси ўта паст даражада бўлган фисқу-фасодчи ва “ёзувчи” деб аталишга ҳам мутлақо номуносиб бўлган кимса – ит суякни кемириб ва ғажиб тозалашининг сабаби, унинг ўз оғзида милки кичишишини бостиришга, тишларини тозалашга ва чайнаш эҳтиёжини кондиришга хизмат қилишини; итнинг бу иши итлар одатий овқатланишининг табиий бир қисми, зич жун ҳосил бўлиши учун калций манбаи, тишлар учун ўзига хос симулятор, уларни ўткирлаштирувчи восита эканлигини мутлақо

билмаслигини ҳам яққол намойиш қилган.

Бу ватан ҳойини кейинги ўринда:

“Аммо сиёсатчи!.. Бўлганда ҳам мустақил бир давлатнинг йирик амалдор сиёсатчиси!.. Оғзининг сўлагини оқиздириб, кечаги хўжайинига ялтоқиланиб: “...оқлайман!” деб турса”, дер экан Танзила Нарбаева ўзига Россиянинг Дружба ордени топширилиши муносабати билан қилган қисқача нутқида айтган *“...отрабатем”* деган сўзни мен ушбу мақоланинг (ва унинг асосида тайёрланган видеонинг) 1-қисмида исботлаб берганимдек, мутлақо нотўғри равишда ўзбек тилига ўзича *“...оқлаймиз!”*, деб таржима қилиб олиб, бу: *“мустақилликка хиёнат, миллатга хиёнат, халққа хиёнат, ватанга хиёнат, давлатга хиёнат бўлади!”*, дегач, *“Халқинг берган тузни оқла олдин!”*, деган хитоб қилар экан Танзила Нарбаевага нисбатан ҳурматсизлик билдирган ҳолда унга сенсираб мурожат қилган. Шунинг учун ҳам Озодлик радиосидаги бу ватан ҳойинидан ҳам разилроқ бўлган юқорида таҳлил қилинган таҳририят мақоласининг билим ва савияси ўта паст даражада бўлган муаллифи Пахлавон Содиқ унинг бу хитобини ўз мақоласининг сралавҳасига чиқариб қўйган.

Ёзувчи Нуриллоҳ Отахонов бу ўта сохтакорлик билан ёзган ахмақона изоҳининг тагига Фейсбук фойдаланувчилари бугунгача: – *“менга ёқди”*, деган маънони англатувчи 346 марта лайк тугмачасини босишган, 38 та изоҳ қолдиришган ва улардан 21 нафари бу постни кўчириб олиб ўз хроникалари ва саҳифаларига жойлаштирганки. Бундай Фейсбук фойдаланувчилари ҳам бу ўта разил, пасткаш, сохтакор ва иблис кимсадан сира қолишмайдиган салбий фазилатларга эга ватан ҳойинларидир, десак сира ҳам ҳато бўлмайди, деган фикрдаман.

Чунки бу мунофиқ кимса ва унинг фейсбукдаги “дўстлари” ва обуначилари, шу йил бошидан бери Россияга кетган муҳожирларларимизнинг сони 3,4 миллион Ўзбекистон фуқороларини ташкил қилган [бўлса](#), улардан 1 млн. 573 минг 800 нафарга яқини меҳнат муҳожирлари эканлигини; уларни

Россияда тинч меҳнат қилиб, пул ишлаб топиб, улардан Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 10 фоизини ташкил қиладиган ёки 5,7 миллиард долларини фақат шу йил бошидан бери ўз ойилаларини боқиш учун ватанига жўнатганки. Бундай пул жўнатмаларининг 2006 йилдан бери бўлган умумий миқдори Ўзбекистоннинг фақатгина 2021 йилги Ялпи миллий даромади ҳажмидан ҳам ошиб кетган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бизга ҳеч қачон қарайиб ҳеч қандай фойдаси тегмаган **Бендерачи фашистлар Украинаси** билан эмас, балки бу давлат билан “**Махсус ҳарбий операция**” деб аталган уриш олиб бораётган бўлсада – Россия билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлаши керраки. Ўзбекистон Россия билан 2005 йил 14 ноябрда имзоланган, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 мартдаги ЎРҚ-20-сонли «**Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани ратификация қилиш ҳақида**»ги Қонуни билан ратификация қилинган Шартномага асосан **Россиянинг расмий иттифоқчиси сифатида**, айнан шу буюк давлат билан дўстона муносабатларини мустаҳкамламасдан ва унга қўлидан келган ёрдамни бермасдан. Ғарбдаги Украина Президенти ролини ўйнаётган масхарабоз Зеленскийни қўллаб қувватлаб. Халқаро сиёсий майдонни ҳеч бўлмаса у СССР даврида ўзи қатнашган КВНга эмас, балки Россияга нисбатан ўзларини ҳалокатга етаклайдиган санкциялар қўллаб, бутун дунё устиларидан кулаётган, Москванинг ТНТ деган телеканалда намойиш қилинадиган “**Comedy Club**”га ўхшаган масхарабозлар клубига айлантириб олган Зеленскийнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаб. Россияга қарши баъзи бир сиёсий таҳлилчилар “**Учинчи жаҳон уруши**” деб ҳам атаётган гибрид уриш таркибига кирувчи ахборот урушини олиб бориб, ўз томонларига ўтказиб олган Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Сардор Салим, Фаррух Самарқандий Олимжон Собир, айниқса собиқ дипломат, иқтисод фанлари номзоди бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда ишлаётган даврида бу лавозим ва фан даражасиги номуносиб бўлганлиги учун, чет элда “сиёсий қочоқ” деган мавқега эга бўлиш учун атайин жанжал чиқариб – Швейцарияга қочиб кетиб, у жойда иш топа олмай ҳозир қоравул бўлиб ишлаётган Алишер Таксанов ва бошқаларга ўхшаган сиёсий масхарабоз ва ватан ҳойинларига қўшилиб, Путин тўғрисида ҳар-хил ёмон ва ёлгон гапларга ишониб, бу дунё миқёсидаги сиёсий арбоб ва **Буюк Россия** давлати билан расмий муносабатларимизни бузадиган бўлсак. Украина енгилгач, тинчлик ҳукм сураётган Ўзбекистон билан Россия иттифоқчилик шартномаси ва бошқа Ўзбекистонни ривожлантиришга хизмат қиладиган жуда кўп иқтисодий-ижтимоий шартномалар ва дастурлардан, энергетика соҳасидаги жуда ҳам йирик лойиҳаларни амалга оширишдан воз кечиб, расмий ва норасмий маълумотларга кўра бу мамлакатда сони 2,5 миллионга яқин бўлган меҳнат муҳожирларимизни депортация қилиб, ватанимизда қалтис сиёсий вазият туғилишига олиб келган ҳолда, мамлакатимизни ўзининг янги ҳарбий нишонига айлантириб юбориши бизнинг халқимиз керакми? Албатта сира ҳам керак эмас...

Лекин бундай оғир сиёсий вазият пайдо бўлиши мумкинлигига Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон ва унга эргашган бошқа ватан ҳойинларининг ақли сира ҳам етмайди... АҚШ конгресси томонидан бериладиган маблағлар эвазига кўн кўраётган Озодлик радиосининг ходимлари эса АҚШ Россияга қарши, демакки унинг иттифоқчиси бўлган Ўзбекистонга ҳам қарши олиб бораётган ахборот урушининг фаол қатнашчилари бўлган ватан ҳойинларининг яна бир туридан иборат. Лекин ижтимоий тармоқларнинг ўта билим ва савияси паст ҳамда Ўзбекистон олиб бораётган ташқи сиёсатни мутлақо билмайдиган ва тушинмайдиган фаол фойдаланувчилари Озодлик радиоси Россия ва Ўзбекистонга қарши ахборот уруши олиб бораётганлигини тушунмай, бу радионинг эшиттиришлари, мақолалари ва видеокўрсатувларини эштиб, ўқиб ва кўрибгина қолмасдан, улар эълон қилган манбалардаги лайк тугмаларини босиб ва уларни қўллаб қувватловчи изоҳлар қолдиришиб, ватан ҳойинлари сафини кенгайтираётганликларини мутлақо тушинмайдилар...

Озодлик радиосидан ташқари Олий Мажлис Сенатининг раиси, социалогия фанлари доктори, профессор Танзила Нарбаевага Россиянинг Дўстона деган ордени берилганлигига, мен билим ва савияси ўта паст даржада бўлганлигини кўп марта исботлаб берган ва рус тилини яхши билмайдиган. Шунинг учун ҳам рус тилидаги ўз монографияси ва докторлик диссертациясини, унга бошқа одам ёзиб берганлиги учун, уни ҳеч қайси библиотекадан топиб бўлмайдиган қилиб яшариб ташлаган, лекин иқтисод фанлари доктори ва профессор деган илмий даража ва унвонга эга бўлиб олган Хидирназар Аллакулов Озодлик радиоси ютубда эълон қилган: “**ОзодНазар: Истеъфоси талаб қилинаётган Танзила Нарбаева ва иссиқсиз қолган иссиқхоналар**” деган [видеодокўрсатувда](#) роса “сайраб”. Бу видеодокўрсатувнинг бошловчиси Сарвар Ўсмон ўз видеосининг 10-минутли 45-секундидан 11-минутли 18-секундигача берган: “*Домла Норбоеванинг расмий таржимаий ҳолида у социалогия фанлари доктори эканлиги қайд этилган. Наҳотки шундай олима аёл (“отрабатем” деган сўзни назарга олган ҳолда – Р.А.) сўзнинг фарқини, дунёдаги вазиятни, халқнинг кайфиятини билмаса? Ахир у 1974 йилги пионер вазиятисини эмаску. Ва айнан шу лавозимдан бошлаган Танзила Нарбаева шахрихондаги мактабдаги ишини. Нимага фарқига бормади шу нарсани домла?*”, деган ахмақона саволига. Бу Сарвар

Ўсмонга ўхшаб Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Валентина Матвиенкони Дўстлик ордени билан 2021 йилнинг октябр ойида мукофотлагани учун Танзила Нарбаева бу ордени унга МДХга аъзо мамлакатлар Паламентлараро Ассамблеясининг 2021 йилнинг 26 октябрида Санкт-Петербургда ўтказилган 53-ялпи мажлисида топширганлиги ва рус тилини яхши билганлиги учун унинг яқин дугонасига айланиб қолган Танзила Нарбаевани Друзба ордени билан мукофотлаш шахсан унинг ташаббуси билан амалга оширилганлигини, далаларимизда пахта ҳосили қандай йиғиб-териб олинганлигини билмагани каби, мутлақо билмайдиган Хидирназар Аллакулов фолбинларга ўхшаб видеонинг 11-минут 18-секундидан 13-минут 31-секундигача қуйидаги:

“...менимча ордени олишида ниҳоятда ҳаяжон бўлди. Ҳаяжонли ҳолатда асл ички дунёсини, оламини ташқарига намоён этди. Демак бу Путинга, унинг режимида садоқатлилигини беихтиёр ташқарига чиқарди ул жамоатчиликни олдида деб ҳисоблайман. Шуни учун сиз айтгандек “оправдываем” деса майли эди, у “отрабатем” деб сиз айтгандек конкрет айтяптики ишлаб берамиз дияпти. Россия манфаати йўлида хизмат қилишини ошқора айтаяпти. Билмадим энди у қандай қилиб мумкин ўша ижтимоий тармоқларда айтилаётгандек Россия манфаати йўлида ўша маълум қонунларни Сенатдан ўтказиб берар. Масалани иккинчи томони борки, мана бу бир томондан жамоатчилик Танзила Норбоеванинг ўша гапларини чуқур муҳокама қилди. Энди тангани экинчи томони ҳам бор, у ҳам бўса Россия Президенти мана қўли қон, мана шу жаллод, гитлер, фашист деятган Путин ва унинг режими (ордени) нима мақсадда берди? – деган масала кун тартибидеа турибти”, деган ўта аҳмақона жавобларни бердики. У рус тилидаги докторлик диссертациясини унга бошқа одам ёзиб берганлини яна бир бор исботлаб, хаттоки **“оқлаймиз”** деган сўзга тўғри келувчи русча **“оправдаем”**, деган сўзни ҳам тўғри талаффуз эта олмай, уни **“оправдываем”** деб талаффуз қилди. Унинг бу аҳмақона гапларнинг давомда Путин Танзила Нарбаевани Друзба ордени билан мукофотлар экан, бу билан у Шавкат Мирзиёевни: *қилт этсанг сени ўрнингга бу аёлни ўтқизиб қўяман,* деб оголантирди деган мазмундаги ўта аҳмақона сафсатани сотишгача ҳам бориб, ўзининг сиёсат, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар соҳасида мутлақо ҳеч қандай тушунчага эга эмаслигини ва давлатимизнинг ташқи сиёсатини ҳам мутлақо билмаслигини яққол намоён қилди. Шунинг учун ҳам бу интервьюнинг давомини ушбу мақолада ёзиб, уни муҳокама қилишга ҳам ҳеч қандай ҳожат қолдирамади.

Танзила Нарбаевага Россиянинг Друзба деган ордени берилганлигига жуда ҳам салбий муносабат билдириб икки қисмдан иборат: **“*Senatni ho'kizlar molxonasi deyishmoqda (1-qism)*”** ва **“*Tanzilaning xizmatlari (2-qism)*”**, деб номланган видеокўрсатувлар эълон қилган шахсни, мен ўз назаримда ҳақийқий ватан ҳойини деб аташ мумкин бўлган, шунинг учун ҳам Ўзбекистондан қочиб бориб ўз ватанини сотган ҳолда АҚШ фуқоросига айланиб олиб, тинмай Ўзбекистонни ва унинг кадрларини ёмонлайдиган; ҳозир эса Россия ва унинг расмий иттифокчиси бўлган Ўзбекистонга қарши олиб борилаётган ахборот урушида ўзининг Ютубдаги канали орқали фаол қатнашаётган Жаҳонгир Муҳаммад лақабли блоггерди, деган фикрдаман.

Танзила Нарбаева эмас, балки Жаҳонгир Муҳаммад, Номоз Нормўмин ва уларга эргашганлар ватан ҳойинларидир

Ўзбекистонда яшаган кезларида Жаҳонгир Маматов деган исму-шарифга эга бўлиб, 1993 йили Азарбайжон ва Туркия(е) орқали Америкага қочиб кетиб, АҚШ фуқоросига айланиб олгач, янглишмасам, Иккинчи Жаҳон уруши даврида совет армияси сафида хизмат қилиб асрга тушгач немс-



фашистлари – Қўқон мухториятининг собиқ раҳбари, ватан ҳойини, Мустафо Чоқай ёрдамида тузган **Туркистон легионининг** раҳбарларидан бири бўлган. Уруш тугагач эса йўлини топиб АҚШ Марказий разведка бошқармасининг (ЦРУнинг) ҳодими сифатида **Америка овози** радиосида ҳам ишлаган **Рўзи Назар** давридан бери, унда ЦРУ агентлари ишлайдиган бўлиб қалган. Шунинг учун ҳам АҚШ Марказий разведка бошқармасининг агенти деб аташ мумкин бўлган Жаҳонгир Маматов **Америка овози** радиосида ишлаган даврида ўзига **“Жаҳонгир Муҳаммад”** деган лақаб қўйиб олган ватан ҳойинидирки. У Озодлик радиосидаги аноним, яъни Пахлавон Содикдан фарқли ўлароқ ҳаммани гўёки Танзила Нарбаевага Валентина Матвиенко Россиянинг Друзба орденини топширган жараёнда: **“ушбу ордени, албатта, оқлаймиз”**, дебгина эмас, балки ўз видеоларининг **“Senatni ho'kizlar molxonasi deyishmoqda (1-qism)”**, деб аталган биринчи қисмининг 3-минут 59-секундидан 5-минут 9-секундигача, ўз томошабинларига қарата:



“Бу Мирзиёев Путиндан орден олганда ва Путинга орден берганда баҳона топгандингиз: а энди бир мамлакат раҳбари бошқасига орден берди. Мирзиёев ҳам усталик билан унғаям орден бериб, орани ёпти. Ана дипломатия – дедингиз. Аммо кўп ўтмай мана шармандалик яна. Бутун ижтимоий тармоқлар, ҳамма одамлар ёзаяпти. Бу эса ана ўша пўлатнинг чақнаши. Ҳамма-ҳамма ёзаяптики: Танзила Норбоева ватан ҳойини. Ўзбекни сотти. Ўзбекнинг сотқини – деб ёзишяпти. Бу орден олгани учун эмас. Чунки боягидай қилиб эртага яна Путинди иккинчи хотинигаям битта орден бериб орани тенг қилиш мумкин эди. Унинг айтган гапи, у қўрқмасдан

ҳойинлигини тан олиб айтти. “Мен – деди, – Владимир Владимировичга раҳматлар айтаман. Ва бу орденни оқлайман”, деди. Эээ хойинликку, бу. Бу шарафсизликку бу. Билмайман Танзила Норбоеванинг боласи борми, йўғми. Онами йўғми, билмайман. Лекин она бўлганида бундай қилмас эди. Чунки Украинада юз минглаб болалар етим қолмоқда, 10 минглаб болалар қонга беланди. Бунга битта айбдор бор. Битта одам айбдор. У ҳам бўлса Танзила оқлайман, хизматларим билан оқлайман, деб аёғини ўпган ланати Путин, айбдор. Ҳа Путинсеварлар сизлар ҳам Танзилани биттаси”, деган гапларни айтиб ўзининг, унга ишонадиган тамошабинларини ҳам ишонмайдиган тамошабинларини ҳам қаттиқ алдашга ва Феук, яъни мутлақо ёлғон ахборат тарқатишга уринган.

ЦРУнинг агенти, ватан ҳойини Жаҳонгир Муҳаммад, Россиянинг Дружба деган орденини олган Олий Мажлис Сенатининг раиси Танзила Нарбаева, Валентина Матвиенкога 2021 йилнинг 26 ноябрида МДХга аъзо мамлакатлар Парламентлар аро Ассамблеясининг 53-ялпи мажлисида Дўстлик орденини тантанали равишда топширганида, унга қарата Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга билдирган миннатдорчилигидан сира ҳам фарқ қилмайдиган миннатдорчилик билдирганлиги учун ва Путинга эмас, балки Матвиенкога қарата: “биз ушбу орденни албатта ишлатамиз, деб айтмоқчиман”, деган гапини атайин бўзиб кўрсатиб ёки рус тилини яхши билмаслиги учун нотўғри тушиниб олиб, яъни гўёки Танзила Нарбаева: “Мен – деди, – Владимир Владимировичга раҳматлар айтаман. Ва бу орденни оқлайман”, деди”, деган мутлақо ёлғон гапни айтиб. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Нарбаевани “**ватан ҳойини**” деб аташи, яъни Украинага қарши эмас, балки Жинойт кодексининг “**Ўзбекистон Республикасига қарши жинойтлар**” деб аталадиган IX бобидаги 157-моддасида кўрсатилган жинойтни содир этди, деб айблаши – бу Жинойт кодексининг 139-моддасига асосан тухмат қилиш ва 140-моддасига асосан ҳақорат қилиш жинойтларини содер этиши демакдир.

Энди ватан ҳойини Жаҳонгир Муҳаммад лақабли АҚШ фуқоросининг бошқа айтган гапларини таҳлил қилсак қуйидаги ҳолатларни аниқлашимиз мумкин. Ювенал прокурорларнинг айтишича 2022 йилнинг 24 февралдан бери Украинадаги уруш натижасида 423 нафар ёш бола ҳалок бўлган ва 810 нафар ёш бола жароҳат олган. БМТ маълумотларига кўра Украинадаги уруш бошланганидан то 30 октябрга қадар 6430 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Украина Мудофа вазирлигининг хабарига кўра эса 61247 нафар ҳарбий аскар ҳалок бўлган ва 49368 нафар ҳарбий аскар яраланган. Бундан ташқари 1 ноябрга қадар 7000 нафар ҳарбий аскар ном-нишонсиз йўқолган.

Шундай экан бу фактлар Жаҳонгир Муҳаммад: “Украинада юз минглаб болалар етим қолмоқда, 10 минглаб болалар қонга беланди” деб айтган гапи жута катта лоф ва Феук, яъни мутлақо ёлғон экан, деб хулоса чиқаришга асос бўла олади. Чунки армияда хизмат қилаётган аскар ёшлардан тахминан 90 фоизи уйланмаган ва яна 5 фоизи фарзанд кўрмаган бўлади. Бу дегани эса тахминан 10000 аскар ва тинч аҳоли ҳалок бўлган қисмининг, юз минглаб эмас, балки яхлитлаб олганда тахминан 15000 нафарни ташкил қиладиган фарзандларигина етим қолган, дейиш мумкин. Кўп бўлса ҳам 810 нафар ёш бола яраланганлигини Жаҳонгир Муҳаммад роса лоф уриб “10 минглаб болалар қонга беланди”, деганини қаранглар. Ахир бу социалогия фанлари доктори, профессор Танзила Нарбаевани “**саводсиз**”, деб устидан кўлмоқчи бўлган Жаҳонгир Муҳаммаднинг ўзи рус тилини яхши билмайдиган бўлганлиги учун “**отработаем**” дегани бу “**оқлайман**” дегани, деб ва 810 нафарга тенг ярадор болалар сонини 10000 (ўн минглаб) нафарга тенг дейиши бу ватан ҳойини Украина бўйича бу давлат статистика органлари ва БМТ тарқатаётган маълумотларни ва ҳатто арифметикани ҳам билмайдиган саводсиз эканлигининг исботи эмасми? Ахар 10 минглаб нафар ярадор бўлган болалар сонини (10000 × 10 =) 100 минг ёки (10000 × 20 =) 200 минг нафар ва улардан ҳам катта сонларга тенг дейиш ҳам мумкинлиги бу саводсиз тушунмайди ҳам, билмайди ҳам.

Шундай сабабларга кўра ҳам мен Жаҳонгир Муҳаммадга нисбатан шогирдларимдан бири менга асоссиз танбеҳ бермоқчи бўлган ва АҚШ фуқороси бўлмиш бир ўзбек миллатига мансуб Фейсбук фойдаланувчисига: – **АҚШ Президенти Байденнинг мийясида битта шариги кам бўлса, сени миянгга 10 та шаригинг кам экан**, – деган гапи Жаҳонгир Муҳаммадга ҳам таъллуқли, деган

фикр билдимрмоқчиман. Акс ҳолда у Украина томони талофатлари тўғрисидаги статистик маълумотлар ва арифметикани билмасдан лоф урганидан ташқари, ўзбек халқини темирчи пўлатдан тайёрлаётган пичоққа, чиройли пичоқ тайёрламоқчи бўлган темирчини ўзбек халқини гўёки ураётган ҳукуматга қиёсламаган ва темир жуда ҳам қизиб кетиши туфайли пичоқ тайёрланадиган пўлат парчасини темирчи қўлининг давоми ҳам дейишадиган япалоқ омбир билан бир қўлида маҳкам ушлаган ҳолда иккинчи қўлининг давоми дейишадиган ҳар-хил вазнли темир болғалар билан, руслар “накавальня” деб аташадиган, ўзбекча луғатларда эса нимагадир инглизчасига “anvil” деб аташаётган темир кунда устида уриб шакл берадиган ҳунармандни, бу ватан ҳойини салбий образ сифатида тақдим этиб, темирчининг омбиридан чиқиб кетган, лекин ҳали тайёр бўлмаган пичоқ, унга темирчи болға билан уриши натижасида учиб бориб темирчининг кўкрагига санчилиши сира ҳам мумкин бўлмаган ҳолатдирки. Агар бу ўзбек халқининг душмани ва ватан ҳойини ақли расо одам бўлганида бундай ҳали ишлови тугамаган ва пичоқ деб аташ ҳам мумкин бўлмаган ишлов берилаётган темир парчасини ўзбек халқи сифатида тасаввур қилмаган бўлар эди, деган фикрдаман.




Миясида шариги Байденниқидан 10 баробар камроқ бўлган, ватан ҳойини Жаҳонгир Муҳаммад “*Tanzilaning xizmatlari (2-qism)*”, деб аталган видеосининг 55 секундидан 1 минути 28 секундигача:

“...яна қоловурса унинг ўша Россия Президентига хизмат қиламиз”, деган гапи жуда-жуда оғир ботти халққа. Ҳаттоки ҳакерларга бу ниҳоятта бу оғир ботибди. Мана бугун Сенатнинг веб саҳифасини ҳакерлар бузиб киришибди. Мана кўряписизми мана шунқанги халқимиз энди реакция кўрсатяпти, одамлар реакция кўрсатяпти. Ҳатто

ва ҳатто ҳакерлар ҳам рекция кўрсатяпти”, деган бўлса. Унинг 2-минути 11-секундидан 2-минути 42-секундигача мийясига 10 та шарик етишмаслигини яна бир бор исботалаб:

“Россиянинг ҳамма университетлари Ўзбекистонда филиалларини очмоқда. Хозир яна 7 таси очяпти. 60 мингга яқин талабалар Россиянинг Ўзбекистондаги филиалларида ўқишмоқда. 60 мингга яқин. Ва шунини 50 мингга яқини пул тўлаб ўқияпти. Ана энди қаранг шунча 50 минг талабанинг пули қаерга кетади?”, деган лоф ва Феук, яъни ғирт ёлғон гапларни гапириб ташлади. Нега мен бундай деябман?



Чунки “Халқ сўзи” газетасининг 2022 йилнинг 26 октябрида эълон қилинган “*Ўзбекистон-Россия III таълим форуми: академик самарадорлик драйвери*”, деган мақолада: “*Бугунги кунда Ўзбекистонда Россиянинг 15 та етакчи олий ўқув юрти филиаллари ташкил этилган. Улардан 12 таси 2018-2021 йилларда очилган бўлиб, мазкур филиалларда 6 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади ва 267 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Филиалларда 47 та таълим йўналиши бўйича ўқув жараёни олиб борилади*”, дейилган. Демак, 2022 йили Ўзбекистонда Россия олий ўқув юртларининг 7 та эмас, фақатгина 3 янги филиали очилган. Бу 15 та филиалда ақлдан озган ватан ҳойини Жаҳонгир Муҳаммад айтганидек

60 минг эмас, балки ундан 10 баробар оз – бор йўғи 6 мингдан сал ошиқроқ талаба таҳсил кўради.

Энди 2022 йили олий ўқув юртларига ўқишга кириш истагида бўлган қанча абитуриент рўйхатдан ўтганлигини суриштирсак, Давлат тест маркази Матбуот хизматининг [хабарига](#) кўра 2022 йилнинг 28 июли куни соат 18:00 ҳолатига кўра, 2022/2023 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалавриатида ўқиш истагида бўлган – 1 214 232 (бир млн. 214 минг 232) нафар абитуриент рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан – 395 023 нафари – жорий йил битирувчилари; – 819 209 нафари – аввалги йиллар битирувчилари бўлган. Улардан фақат: – 39 962 нафари – давлат гранти; – 150 413 нафари – тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган. Уларнинг умумий сони эса 2022 йили рўйхатдан ўтган абитуриентлар сонининг бор йўғи 15,68 фоизини ташкил қилади ҳолос. Демак 2022 йили рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг 1023857 (бир млн. 23 минг 857) нафари ўқишга кира олмаган. Демак, улар ҳам ўқишга кириши учун Россия ва башқа мамлакатларнинг, масалан, Тошкентдаги инглиз тилида дарс ўтадиган Жанубий Кореянинг Инҳа университети, Англиянинг Халқаро Вестминстер университети ва бошқа бир қанча чет эл университетлари ва уларнинг филиаларига ўхшаган чет мамлакатлар, шу жумладан Россия олий ўқув юртларининг филиаллари

сонини кўпайтириб, улардага тест синовларига ҳам илғор мамлакатлардаги талабаларни танлаб олиш усуллари жорий эташ керак экан, десак бу жуда ҳам тўғри фикр бўлади.

Энди ватан ҳойини Жаҳонгир Муҳаммаднинг, кейинги ўринларда юқорида номи тилга олиниб “*Халқ сўзи*” газетасининг 26 октябрида эълон қилинган мақолада айтилиб Самарқандда ўтказилган **Ўзбекистон-Россия учинчи таълим форуми** тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаганилиги учун роса алжираган гаплари тўғрисида фикрларимни баён қилиб ўтирмасдан, бу ақлдан озган ватан ҳойини, росидаги давлат олий ўқув юрглари – 497 та, нодавлат олий ўқув юрлари эса – 213 та эканлигидан, яъни жами – 710 та олий ўқув юрглариининг 2,11 фоизини ташкил этувчи 15 та етакчи университетларининг ўз филиалларини очганлигидан мутлақо беҳабар бу Жаҳонгир Муҳаммад деган ватан ҳойини ўзининг таҳлил қилинаётган видеоси 5-минут 41-секундидан 6-минут 24-секундигача:

“Нима учун айнан Россия университетларининг – ҳамма университетларнинг филиали Ўзбекистонда бўлиши керак? Уларни мақсади фақат пул ишлаш эмас. Ўша (60 минг) русийзабонларни етиштириш. Русларни яхши кўрадиганларни етиштириш. Эртага бир кор хол бошланган пайтда уларнинг ногарасига ўйнаб берадиганларни етиштириш. Мана шунақанги бир катта сиёсат. Яъни (Россия – Р.А.) Украинани уруш билан оляткан бўлса Ўзбекистонни мана шу йўл билан оляпти. Ман ўйлайман бу хутти Украинада бўляткан урушининг айни параллел қисми кетяпти бу ерда”, деган ахмақона гапларини айтиб, у ўзининг бу ёлғон гапларига, Насриддин афандига ўхшаб, ўзи ҳам ишониб кетиб, Россия Ўзбекистонда ўзининг олий ўқув юрлари филиалларини ва акционерлик жамиятлари ҳамда бошқа турдаги қўшма корхоналарни очиши 15 сентябрда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитида иштирок этиш учун Самарқандга келган Владимир Путин билан Шавкат Мирзиёев тузган 4,6 миллиард АҚШ долларига тенг шартномаларда ва бошқа икки томонлама келишувларда кўзда тутилган миллиардлаб долларга тенг инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш учун эмас экан, балки Ўзбекистонни тинч йўл билан Россия босиб олиш учун қилинаётган иш эканмиш.

Шунинг учун ҳам бу ақлдан озган ватан ҳойинининг **“Tanzilaning xizmatlari (2-qism)”**, деб аталган ахмақона видеоси таҳлилинини шу жойида тўхтатар эканман. Булар етмагандек Жаҳонгир Муҳаммаднинг Байденникига нисбатан ўн марта шариги кам мияси немс-фашистларининг СС деб аталадиган, бошида Гетлерни кўриқловчи ҳарбий аскарлар бўлинмасининг гауптштурмфюрери (яъни капитани) бўлиб хизмат қилган Боймирза Ҳайит билан йўлга қўйган дўстона муносабатлари ва бу собиқ СС офицери билан суҳбат қуриб, бу суҳбатнинг матнини ўзининг **“Turonzamin”** деган сайтида 2011 йилнинг 27 февралда **“VATAN SIZLARNIKI BO'LGANI KABI MENIKI HAMDIR”**, деган [сарлавҳа](#) остида, **“Ўтюралар клуби”** деган сайтда эса 2017 йилнинг 12 декабрида **“Жаҳонгир Муҳаммад: СССРни титратган ўзбек”** (2014 й.), деган сарлавҳа остида [мақола](#) эълон қилиб юрган даврларида, фашистик ғоя билан заҳарланиб бўлган.

Шунинг учун ҳам бу ҳеч қачон тарихда мустақил давлат сифатида мавжуд бўлмаган Туркистоннинг ва келажакда тузилишини орзу қиладиган Туронзаминнинг фашистига айланиб олган ватан ҳойини Украинанинг Бендерачи фашисларини ҳам ССчи фашист бўлган Боймирза Ҳайитни химоя қилганидек, бу бизга мутлақо ёт бўлиб қолган мамлакатда Россия бошлаган **“Махсус ҳарбий операция”** деб аталадиган уруш натижасида юз минглаб ёш болалар етим қолганлиги ва ўн минглаб ёш болаларнинг қони тўкилганлиги тўғрисидага лоф ва Ғеук, яъни мутлақо ёлғон гаплар билан химоя қилишига сабаб бўлган десак – бу фикр ҳам сира ҳато бўлмайди.

Мен нима учун АҚШ фуқороси Жаҳонги Муҳаммадни ватан ҳойини деб атаябман? Балки мен уни бундай ном билан атаб унга тўхмат қилиб, унинг шахсини ҳақорат қилаётгандирман? Асло йўқ! Мен уни бу ном билан, бошқа бир қанча Ўзбекистон фуқоролари каби, онгли равишда атамоқдаман. Чунки Жаҳонгир Муҳаммад лақабли АҚШ фуқороси, **“Ўзбекистон халқ шоири”** деган фахрий унвонга эгаси Ҳуршид Даврондек ўз дўсти, Эрк партиясининг собиқ лидери бўлган Муҳаммад Солиҳ ва унинг укаси Мақсуд Бекжон каби, мустақил Ўзбекистонимизни Жаҳоннинг сиёсий саҳнасидан ҳам, харитасидан ҳам мутлақо ўчириб ташлаб, ўзбекларни эса миллат деган этник мавқедан мутлақо маҳрум қилувчи. Туркий миллатларга мутлақо алоқаси бўлмаган Турон деган, форс шоири ва форс адабиётининг классиги Фирдавсининг **“Шоҳнома”** деган асарида тилга олинган афсонавий форсий давлат бўлмиш Турон деган давлатнинг номига. Жаҳонгир Муҳаммаднинг ўзига ўхшаган саводсиз, Ўсмон империясининг ва бу давлат Биринчи жаҳон уриши натижасида СССРга ўхшаб парчаланиб кетганидан сўнг, унинг бир қисмида 1923 йилнинг 29 октябрида Ота турк томонидан асос солинган, ҳозир 88 миллиондан зиёд аҳолиси бор. Лекин Жон бошига тўғри келадиган номинал Ялпи ички маҳсулот бўйича ҳар йили эълон қилинадиган Жаҳон рейтингда ҳаттоки 65-ўринда турадиган Қозоғистондан, масалан, 2021 йил натижалари бўйича 6 поғона пастда, яни 71-ўринда турадиган Туркиянинг (Туркиенинг) хаваскор сиёсатчилари тузмоқчи бўлган туркий давлатларнинг Турон деган иттифоқини тузиб, Ўзбекистонда давлат тили бўлган ўзбек тилини ҳам йўқотиш учун, бу иттифокнинг давлат тили замонавий Туркиянинг тили бўлмиш – турк тили бўлиши керак деб жар солиб келмоқдаки.

Унинг бундай ҳаракатларини ўзи туғилиб ўсган ватани бўлмиш Ўзбекистонга ва ўзбек халқига нисбатан ҳойинлик дебгина баҳолаш мумкин.



Шу ўринда, балки баъзи бир Самарқандлик дўсларим бу ватан ҳойини ҳам: – Сиз ўзингизнинг: **“Нега Ватанимиз – Ўзбекистон, миллатимиз – ўзбек, Навоий эса – буюк ўзбек шоири, деб аталади?”**, деган [мақолангизда](#) Хуршид Даврон ўзбек миллатига мансуб эмаслигини, у шунинг учун ҳам 50 йил ичида Ўзбекистонни ҳам, ўзбек миллатини ҳам йўқ қилишни орзу қиладиган ватан ҳойинига айланиб қолганлигини исботлаб берган эдингизки. Жаҳонгир Муҳаммад ҳам чет элга қочиб кетиб, ватандан воз кечгач АҚШ ситезенига (гражданинига) айланиб олганлиги ва ўзбек миллатига мансуб бўлмаганлиги учун, у ҳам Хуршид

Даврон, Муҳаммад Солиҳ ва Мақсуд Бекжон каби, Ўзбекистон ва ўзбек халқини йўқотишни орзу қилади, деганликлари ҳам жуда тўғридир? – деган савол туғилмоқда.


Балки Жаҳонгир Маматов ҳақиқатан ҳам эроний (яъни эскичасига – форс) ёки тожик миллатларидан бирига мансуб дейишлари тўғридир? Акс ҳолда у ўз сайтини форсий давлат бўлган Турон номига “Turonzamin”, деб атамаган. Туркиеликлар олдин, биз Ўзбекхон номига **“ўзбеклар”** деб аталганимиз каби, Ўсмон империяси даврида унинг асосчиси Ўсмон Ғози I номига **“ўсмонлар”**, деб аталиб, бу империя XX аср бошида бўлиб ўтган Биринчи жаҳон уруши оқибатида СССРга ўхшаб кулагач, 1923 йилнинг 29 октябрида дунёга келган Туркия Республикасининг фуқороларига айланиб олиб, **“турклар”** деган этник номни ҳам, Туркия деган хоронимни ҳам ўзлаштириб олиб, бизга Ўзбекистонни **“ОТА ЮРТИМИЗ”** деб атайдиган, ўша у ҳам тарафдори бўлган туркий давлатларнинг иттифоқи бўлиб тузилиши олға сурилаётган Турон деган мамлакатнинг давлат тили сифатида 88 миллиондан ортиқ аҳолиси бор Туркия туркларининг **“ота юрти”** бўлган Ўзбекистоннинг давлат тили – ўзбек тилини эмас, балки туркларнинг **замонавий турк тилини** Турон иттифоқининг давлат тилига айлантиришни таклиф қилиб, шу орзу билан яшамаган бўлар эди, деган фикрдаман.



Уни устига Жаҳонгир Муҳаммад 2017-2018 йиллари, яъни Трамп президентлиги даврида АҚШнинг Давлат котиби бўлган Рекс Уэйн Тииллерсонни ҳам Путин 2012 йили Россиянинг Дружба деган ордени билан мукофотлаганлигини. Лекин у ҳозир Россия Украинада уруш олиб бораётганлиги сабабли, АҚШ фуқораси сифатида – бу ордендан воз кечмаётганлигини билмайдиган кўринади. Агар билса, унда нега АҚШ фуқороси сифатида бу давлатнинг собиқ давлат котиби Рекс Тииллерсондан Дружба орденини Путин унинг кўкрагига таққанидан кейин унга миннатдорчилик

билдирганлиги учун уни АҚШга хиёнат қилишда айблаб, бу ордену унинг Путинга билдирган миннатдорчилигидан воз кечишини талаб қилмаяпти? Чунки бу кўрқоқ ватан ҳойини сира ҳам бундай иш қила олмайди. Чунки у шундай қилса Рекс Тииллерсон, бу ватан ҳойини ЦРУнинг агенти эканлигига қарамай, уни албатта АҚШ ситизенлигидан (яъни гражданлигидан) маҳрум қилиб, АҚШдан бадарға қилинишига эриша олиши мумкинлигини жуда яхши билади...

Россиянинг Дружба ордени билан Рекс Тииллерсондан ташқари: Сингапурнинг жаҳонга машҳур, бу шаҳар-давлатни равожланган мамлакатлар қаторига қўшган буюк Ли Куан Ю, Таллин университетининг профессори Рейн Мюллерсон, Швециялик машҳур ёзувчи Гуннарссон Юнгве Гуннар Улов, Миср Араб Республикасининг 2001-2004 йиллари ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган Абул-Гейта Ахмад Али, Араб давлатлари Лигасининг бош котиби Муса Али, Россияда ишлаган АҚШлик бокс бўйича тренер Дэвид Блатт, АҚШ астронавти Дэвид Вулф, Палестин давлатининг Президенти Махмуд Аббос, Азарбайжон Республикасининг Президенти Илхом Алиевнинг рафиқаси, бу давлатнинг биринчи вице-президенти Мехрибон Алиева ҳам мукофотланган. Лекин уларнинг ҳозирги кунда ҳаёт бўлган биронтаси Россия Украинада уруш олиб бораётганлиги учун, унга қарши норозилик билдириб, бу ордендан воз кечмаган ва улардан баъзи-бир давлат раҳбарлари бўлган мамлакатлардаги Жаҳонгир Муҳаммад ва Намоз Нормўминга ўхшаган ватан ҳийинлари улар истеъфога чиқишларини талаб қилмаяпти.



Энди Танзила Нарбаевага Россиянинг Друзба ордени берилиши муносабати билан, Ўзбекистондан қочиб кетиб Норвегия қироллиги фуқоросига айланиб олган, ватан ҳойини Номоз Нормўмин ўзининг Фейсбукдаги хроникасида **“ТАНЗИЛА НОРБОЕВА ИСТЕЪФО ЭТСИН!”**, деган пости тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Чунки бу Норвегия қироллигининг фуқороси бўлган Намоз Нормўмин деган фейсбукда мен таниган блогерлардан бир нечтаси **“ватан ҳойини”** деб атайдиган кимса, ўзининг Фейсбукдаги хроникасида эълон қилган ва олдиндан қалбакилаштирилган

петицияда, яъни 97 киши имзо қўйган сохта коллектив талабда:

“Ўзбекистон Сенати Раисаси Танзила Норбоева чет давлат раҳбари Путиндан орден олгани учун унинг ишончини оқлаймиз, бу Олий Мажлиснинг ҳамма депутатларига берилган мукофотдир, деди”, деган, ушбу мақола ва унинг асосида тайёрланган видеокўрсатувнинг 1-қисмида батафсил таҳлил қилиб, Танзила Нарбаева Путиндан орден олгани учун унинг ишончини оқлаймиз демаган эканлигини исботлаб берганлигим учун, Норвегия қироллигининг фуқороси, ватан ҳойини нафақат ўз петициясига Танзила Нарбаева ўз нутқида айтмаган сўз ва гапларни ёзиб, уни сохталаштириш йўли билан Фейсбукдаги унинг **“дўстлари”** ва обуначиларидан 97 кишини алдаб, уларнинг имзоларини тўплаган. Балки, Сенат раиси Танзила Нарбаева олдиги мутлақо асоссиз равишда у истеъфога чиқишини талаб қилувчи петиция билан мурожаат қилгар экан, бу қалбаки ҳужжатга қуйидаги:

Бу баёнот халқимизнинг шарафини ва халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон давлатининг обрўсини ерга уради. Шунинг учун Танзила Норбоевнинг зудлик билан ўз лавозимидан истеъфо этишини талаб қиламиз”, деган ғирт ахмақона гапларни, талабнома сифатида ёзиб, Танзила Нарбаевага жўнатган ҳамки. У ўзининг бундай ахмақона ҳаракати билан, Жаҳонгир Муҳаммадга ўхшаб ақлдан ҳам озганлигини яққол намойиш қилган десак – бу сира ҳам ҳато бўлмайди, деган фикрдаман.

Шу билан ушбу мақолани яъқунлар эканман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси, социалогия фанлари доктори, профессор Танзила Нарбаева Россиянинг юксак мукофотга сазовар бўлганлиги билан чин қалбимдан табриклаб, у ўзбек халқи ва давлатимиз манфаатлари йўлида бетиним ва виждонан олиб бораётган фаолиятига ўлкан мувоффақиятлар тилайман!



Рустамжон Абдуллаев,
иқтисод фанлари доктори, академик.

Тошкент, 2022 йил 10 ноябр.